

## THE IMPORTANCE OF THE MEMOIRS OF AMBASSADOR DUNG WANG – IN THE STUDY OF THE HISTORY OF FERGANA OF THE EPHTHALITE PERIOD

Юлдашев Саиданварбек Бахромжон ўғли

Жаҳон тарихи кафедраси доценти Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

(PhD) Фарғона давлат университети

bahromzoda\_turkzod@mail.ru

### Abstract:

Based on historical sources and literature, the article covers the first visit of the Chinese ambassador Dung Wan to the Fergana Valley. This ambassador provides important information about the state of Ferghana and its political situation in the 40s of the 5th century. About the period of the Ephthalites, one of the least researched periods of the history of Ferghana, the dates of the Hephthalites' annexation of the valley to their state were clarified, and the relationship with the local dynasty was discussed. Information about the establishment of the Yaipan khanate, its territory, and the customs of its inhabitants is provided.

**Keywords:** Ferghana, Northern Wei Dynasty, Dung Wan, Gou Ming, Western Country, Usun, Choch, Taiyan Years, Yaipan State, Taklamakon Desert, Polona, Kusan, Yavchilar, Kangkia, Yazdigard II, Kidaris ..

### I. КИРИШ

Фарғона ва Хитой ўртасидаги алоқалар анча узоқ даврга бориб тақалади. Чжан Сян давридан бошланган ушбу алоқалар аввалги ва кейинги Хан сулоласи замонида, ундан кейин “Уч подшолик” даврида ҳам давом этиб турди. Бу элчилик миссиялари Туркистон хуудларида жойлашган давлатларнинг Хитойга тобеълиги ошириш мақсадида амалга оширилган бўлса-да, аммо улар томонидан ёзиб қолдирилган сафар хотиралари Фарғона тарихига оид муҳим манбалар сирасига киради.

### II. МАТЕРИАЛЛАР ВА УСЛУБЛАР

Хитой тарихига оид солномалар ва саёхатномаларнинг салмоқли қисмида Фарғона давлатининг Хитойда турли даврларда ҳукм сурган сулолалари билан дипломатик алоқалари тарихи ёритилган [13: 19-24-б]. Жумладан, “Бейши” солномасининг 97-бобида келтирилишича, милодий 229 йилда, яъни Тайхэ ҳукмронлигининг учинчи йилида Фарғонадан Вей императори ҳузурига элчилар юборилади. [13: 82-б]. Бу даврдаги Ўрта Осиё Хитой муносабатларида нафақат отлар, балки “антиқа” хунарли шахсларнинг саройдаги маҳоратлари ҳам манбаларда акс этган. “Тунгдянь” солномасининг 3-жилд, 193-бобида ёзилишича, Шимолий Вэй ҳукмдори Тай-у Чженжюнь ҳукмронлигининг 9-йили, яъни 416 йилда Яйпан (Хуннлар давлати – Йиватпуан / Юепан) ҳукмдоридан элчилар келган [13: 92-б]. Элчилар ўзлари билан совға сифатида бир нафар найрангбозни олиб келишган. Бу найрангбоз одамни калласини танасидан жудо қилиб, уни гиёҳлар билан даволаб, ўликни тирилтирган. Шундан сўнг император “одамларга /унинг/ хунарини ўрганишни ва ундан тўла фойдаланишни буюради” [13: 92-б].



### III. АСОСИЙ ҚИСМ

Хитой империялари томонидан юборилган элчилик миссиялари турли мақсадларни кўзлаб амалга оширилган. Дунг Ванг элчилик миссиясини юборишдан мақсад нимадан иборат эканлиги “Бэйши” йилномасида куйидагича маълумот берилган: “Тайван йиллари (430–435)да, Шимолий Вэй сулоласининг ҳиммат ва шавқатлари бора-бора тарқалди. Ғарбий юртдан Кусан<sup>\*1</sup>, Сули<sup>\*2</sup>, Усун<sup>\*3</sup>, Йопбон<sup>\*4</sup>, Ковонта, Пешамшан<sup>\*5</sup>, Кенгат, Сугд сингари элларнинг хонлари элчи, ўлпон юборишни бошлади. Вэй подшоҳи Тай Вуди: Хан сулоласи ғарбий юрт билан дўстона борди-келди қилган бўлса-да, ғарбий юрт ҳукмдорлари ҳожати тушканида келиб такаллуф кўрсатар эди. Ҳожати тушмаганда ўрданинг буйруғларига бўюн товлар эди. Чунки улар масофанинг узоқлигини, ўрда лашикарларининг етиб бора олмаликларини билишарган. Шунинг учун ўзаро элчи алмашилишидан ҳеч қандай фойда йўқ, деб қараб элчи юборгиси келмади. Шунда подшоҳ Тай Вуди амалдорлари: Бу тўққиз эл йўлни йироқ кўрмасдан маҳаллий маҳсулотларни бизга юборди, уларни қўлга киритишимиз керак. Ҳозирдан бундай сусткашлик қилсак қандай бўлади, деб мактуб ёздилар. Подшоҳ Тай Вуди уларнинг фикрларига қўшилди. Шунинг билан Вонг Эниши, Шу Гонларни ғарбий юртга элчиликка юборди. Вонг Эниши кумликлардан йўл юрганда Жужанларнинг қўлига тушиб қолди. Яна отлик маҳрамлардан Дунг Ван ва Гоу Минг кабиларни бирмунча ипак газламалар билан Пешамшан тарафга, тўққиз элдан хол сўраш учун нурғус ҳадялар билан жўнатди. Дунг Ван подшоҳдан йўл бўйидаги барча элларда бўлиш топширигини олган эди” [21: 875-6].

Юқоридаги матндан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Вэй империяси ўзининг нигоҳини ғарбий юрт яни шарқи ва ғарбий Туркистон ҳудудларига қаратади. Бу ердаги маҳаллий сулолаларни ўзининг таъсир доирасида тутиб туришга интиланган.

“Бэйши”да Дунг Ван элчилигининг Фарғонага етиб келиши тўғрисида тўғрисида куйидаги маълумотларни ўқиймиз: “.....Дунг Ван тўққиз элдан ўтиб, шимолдаги Усунга борди. Усун хони Шимолий Вэй инъомини мамнуният билан қабул қилди ҳамда Дунг Ван [Гоу Минг]ларга қараб: “Англашимча, Парғона [Полона] ва Чош<sup>\*1</sup> Вэй сулоласининг ҳиммат-шавқатини ёд этиб, Вэй сулоласига эл бўлиши, ўлпон жўнатишни ният қилган бўлса ҳам, йўл тополмасмикимиз деб, хавотирланмоқда. Энди бу ерга келибсизлар, бу икки давлатга бориб уларнинг Шимолий Вэй сулоласига бўлган садоқатини қабул қилинлар”, деди. Шунинг билан Дунг Ван ўзи Парғонага борди, Гоу Мингни Чошга жўнатди. Усун хони уларни бу икки элга олиб бориш учун йўл бошловчи ва тилмоч қўшиб берди. Дунг Ванг уларга (фарғоналикларга) хоннинг буйруғини ўқиб берди. Инъомлар бериб улардан хол сўради. Кўп ўтмай Дунг Ван ва Гоу Минглар ўрдага қайтиб келди. Усун ва Парғонага ўхшаш элчи

\* Изоҳ 1.: Кусан – Кошғарнинг жанубида жойлашган қадимий шаҳар ва вилоят. Ҳозирги Кучор шаҳрига тўғри келади.

\* Изоҳ 2.: Сули – Кошғарнинг V асрда хитой манбаларида учрайдиган номи.

\* Изоҳ 3.: Усун – Шу номи давлат ва қўчманчи қабила номи. Унинг ҳудуди Кучарнинг шимоли-ғарбий ҳудудларига тўғри келади.

\* Изоҳ 4.: Йопбон – Яйпан хонлиги. Иссиқкўлнинг шимоли-ғарбида ва Орол денгизининг шимоли-шарқида жойлашган давлат.

\* Изоҳ 5.: Пешамшан – Шарқий Туркистондаги Такламакон чўлининг кунчиқар тарафида жойлашган қадимий шаҳар.

\* Изоҳ 1.: Бу ерда Тошкент ҳудудлари назарда тутилмоқда.



юбориб Дунг Ван билан бирга ўлпон тақдим этган беклик жаъми 16 та бўлди. Шундан бошлаб, улар ҳар йили бирининг кейинидан иккинчиси элчи йўллаб турди” [21: 875-б].

Демак, Дунг Ванг билан бирга Вэй империяси пойтахтига Фарғона давлати элчилари ҳам ўз ҳукмдорларининг совғаларини император Тай Вудига тақдим этган экан. Тарихий манбаларда 437 йилда мустақил Чоч – Чжеше (Чиачиат) давлатидан Хитойга элчилар ва савдо карвони борганлиги келтирилган [12: 13-18-б]. Аммо бошқа манбаларда 436-437 йилларда Фарғона давлатидан хитойлик элчи билан биргаликда Вэй империясига элчи борганлиги қайд этилмаган. Шуни таъкидлаш керакки айнан Дунг Ван элчилиги даврдан бошлаб Фарғонанинг қадимий номланиши Даван ўрнига Полона топоними қўлланила бошланган [2: 108-б; 20: 875-б]. Дунг Ваннинг сўзларига кўра, Хан сулоласи подшоҳи Ву Ди замонидан ғарбий юртда 50 та атрофида майда мулклар бўлган. Ушбу мулклар кейин бир-бирига қўшилиб Тайян йиллари (430 – 435)га келганда 16 та бекликка бирлашади. Элчининг қайд этишича, бу 16 та беклик географик жиҳатдан 4 та музофотга бўлинади. Фарғона водийси Чочнинг жанубида, явчилар (қангғуйлар)нинг шимолида жолашган 3-музофотда жойлашагилгини таъкидлайди [21: 876-б]. Дунг Ван ўзининг императорга ёзган ҳисоботида Вэй империяси пойтахтидан Фарғонагача 14 минг 450 чақирим масофа борлиги келтириб ўтади [21: 893-б].

Дунг Ван элчилиги пайтида эфталийларнинг номи тилга олинмаганлиги эътиборга олсак, бу борада икки хил нуқтаи назар пайдо бўлади. Биринчиси – А.Ходжаев билдирган тахминга кўра, хитой элчилари бу ерга келган вақтда Эфталийлар давлати ҳали ташкил топмаган эди. Биз келтираётган иккинчи тахминга кўра, Дунг Ван элчилиги келган маҳалда Суғдда эфталийлар ҳукмронлиги ўрнатилган эди, аммо элчилар Чоч ва Фарғона водийсида ташриф буюрганда бу ерда ҳали эфталийларнинг ҳукмронлиги ўрнатилмаган бўлиши мумкин.

“Эфталийлар Фарғона водийсини қачон эгаллаган? Улар Фарғонани бошқариш учун ўз вакилини тайинлаган-ми?” каби саволлар тарих фанида ҳозирча ўз ечимини топганича йўқ. Аммо юқорида Хитой манбаларида келтирилган элчилик миссияларини ҳисобга олган ҳолда бу воқеа V асрнинг иккинчи ярмида амалга оширилган, деб айтиш мумкин.

Тарихий манбаларга кўра Сосоний шаҳаншоҳ Йаздигард II 453/54 йилда шарққа Кидарийларнинг ерларига ҳарбий юриш ташкил этади [7: 42-43-б]. Демак кидарийлар Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудларида ҳали ўз қудратини сақлаб қолган эди. Эфталийлар сосонийлар таҳдиди остида ва кидарийларнинг сақланиб қолган мавқеи шароитида шарққа қараб ўз чегараларини кенгайтира олмас эдилар. Эфталийлар шарққа томон эркин ҳаракат қила олиши учун қулай тарихий вазият керак эди. Бундай тарихий вазият Сосонийларнинг эфталийлар томонидан тўла мағлубиятга учратилганидан кейин юзага келгани шубҳасиз.

#### IV. ТАДҚИҚОТНИНГ НАТИЖАЛАРИ

Тадқиқотнинг натижалари шундан иборатки, 479 йилда Турфон, 490-497 йилларда Урумчи, Хўтан ҳудудлари Эфталийлар давлати таркибига қўшиб олинади [7: 66-б; 9: 157-б]. Бундай ҳолатда VI асрнинг бошларига келганда Шарқий Туркистоннинг катта қисми Эфталийлар томонидан забт этилди. “Бэйши”да бу тўғрисида қуйидагича маълумот берилади: “Эфталийлар ғарбий юртдаги Кангкия, Удун, Сули, Арсак (Анси) ва бошқа кичик эллардан тузилган 30 дан ортиқ давлатларни қарам қилиб, ўзини улуғ давлат деб атади. Жужанлар



билан қудалашди” [21: 902-6]. Тарихий манбалардаги маълумотларни таҳлил қиладиган бўлсак, Эфталийлар Фарғонани ўз давлатлари таркибига 479 йилдан кейин Шарқий Туркистонга ҳарбий юришни бошлашдан олдин қўшиб олган бўлиши мумкин. Сабаби тарихий манбаларда 479 йилда Фарғона давлатидан Шимолий Вэй саройига Фарғонадан элчилар юборилганлиги айтилади: “Пойтахти Косон шахри. Сули (Қошғар)нинг ғарбида жойлашган бўлиб, 14 450 чақирим келади. Тайхэнинг 3-йилида (милодий 479 йил) Фарғона хонлиги элчи билан танасидан қизил тер тепиб турадиган от жўнатди. Шундан бошлаб ҳар йили элчи, ўлпон жўнатиб турди” [21: 893-6]. “Бэйши”да келтирилган ушбу маълумотларга ишонадиган бўлсак, Фарғона 479 йилда Эфталийларга қарам бўлмаган ва шу сабабли эфталийлар ҳақида манбада эслатилмаган. Элчиликдан мақсад нимадан иборат эканлиги манбада айтилмаган. Эфталийларнинг 479 йилда Турфанни эгаллашдан аввал албатта Фарғонани эгаллаши керак эди. Турфага эса энг қисқа йўл Қошғар орқали ўтган. Фарғона водийси Қошғар йўлининг устида жойлашган эди. Чунки харитага эътибор берилса Фарғона водийсидан шарққа қараб ҳаракатланилса Аввал Қошғар, сўнгра Куча ва Турфан худудлари келади. Турфандан шимолга юрилса Урумчи, Қошғардан жануби-шарқда эса Хўтан худудлари жойлашган. 479 йилда Хитойга юборилган элчиликнинг мақсади тахмин қилиш мумкинки, яқинлашиб келаётган Эфталийлардан ҳимояланиш Вэй давлатидан ҳарбий ёрдам сўраш бўлиши мумкин. Аммо масофанинг узоқлиги сабаб Вэй давлати бундай ёрдам беришга улгурмаган ва 479 йилда Эфталийлар Шарқий Туркистонга юриш қилишдан аввал Фарғонани ўз давлатлари таркибига қўшиб олган.

## V. ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Дунг Ван элчилиги натижалари Фарғона водийси тарихини ўрганишдаги аҳамияти беқиёсди. Элчи томонидан императорга ҳисобот шаклида тақдим этилган ахборотлар бизга водийнинг Эфталийлар даври тўғрисидаги қимматли маълумотларни беради. Ушбу маълумотлар асосида Фарғонанинг V асрдаги тарихини ёритишимиз, кўпгина мавҳум жиҳатларига аниқлик киритишимиз мумкин.

## Манбалар ва адабиётлар / Источники и литература / References

1. Баратов С.Р. К вопросу об эфталитах в Ферганской долине // ИМКУ. Вып.28. – Самарқанд, 1984. – С. 94 – 97.
2. Боробкова Л.А. Запад Центральной Азии во II в. до н.э. – VII в.н.э. – Москва: Наука, 1989. – 175 с.
3. Брыкина Г.А., Горбунова Н.Г. Фергана / Средняя Азия и Дальний Восток в эпоху средневековья. Под общей редакцией академика Б.А.Рыбакова. – Москва: Наука, 1999. – 380 с.
4. Брыкина Г.А. Юго-Западная Фергана в первой половине I тысячелетия нашей эры. – Москва, 1982. – 198 с.
5. Гоибов Б. Согд – Фергана – Китай: приоритетные торговые связи// “Фарғона водийси янги тадқиқотларда” мавзусидаги учинчи республика илмий анжумани. – Фарғона, 2014. – С. 137 – 144.



6. Камолиддин Ш. Фарғона қадимда ва ўрта асрларда // “Фарғона водийси янги тадқиқотларда” мавзусидаги учинчи республика илмий анжумани. – Фарғона, 2014. – Б. 33 – 39.
7. Курбанов А. Эфталиты (очерки истории). – Санкт-Петербург: Европейский дом, 2006. – 152 с.
8. Матбабаев Б.Х. К истории культуры Ферганы в эпоху раннего средневековья. – Ташкент, 2009. – 120 с.
9. Отахўжаев А. Эфталитлар ҳукмронлиги даврида Фарғонанинг дипломатик алоқалари // “Фарғона водийси янги тадқиқотларда” мавзусидаги учинчи республика илмий анжумани. – Фарғона, 2014. – Б. 156 – 161.
10. Раҳмонов Н., Матбобоев Б. Ўзбекистоннинг кўхна туркий-рун ёзувлари. – Тошкент: Фан, 2006. – 65 б.
11. Ходжаев А. Из истории древних тюрков (сведения древнекитайских источников). – Алматы, 2011. – 224 с.
12. Ходжаев А. Наиболее ранние сведения китайских источников о государстве Шаш (Ташкент) // Ўзбекистон тарихи. – Тошкент, 2005. № 2. – С. 13 – 19.
13. Хўжаев А. Фарғона тарихига оид маълумотлар (Қадимий ва илк ўрта аср Хитой манбаларидан таржималар ва уларга шарҳлар). – Фарғона, 2013. – 288 б.
14. Arthur F. The Sui Dynasty. New York: Knopf, 1978. – 237 p.
15. Enoki K. On the Nationality of the Ephtalites // Memoirs of the Research Department of the Toyo Bunko, 1959. №18. – P. 1 – 59.
16. Enoki K. The origin of the white or Heptalites // EW. 1955. Vol. VI. – P. 232 – 236.
17. Çelıktaş Müslüme Melis. Ak hunlar tarihi üzerine Türkiye ve dünyada yapılan çalışmaların değerlendirilmesi. Ankara, 2011. – 144 s.
18. Kurbanov A. The Hephthalites: archaeological and historical analysis. PhD thesis submitted to the Department of History and Cultural Studies of the Free University. – Berlin, 2010.
19. جيننامه. «24 تاريخ» تىكى غەربىي يۇرت تارىخىغا ئائىت ماتىرىياللار. شىنجان خەلق نەشرىياتى. 2013. 1030 س.
20. ۋېينامە. «24 تاريخ» تىكى غەربىي يۇرت تارىخىغا ئائىت ماتىرىياللار. شىنجان خەلق نەشرىياتى. 2013. 965 س.
21. شمالي سۇلالىلەر تارىخى. «24 تاريخ» تىكى غەربىي يۇرت تارىخىغا ئائىت ماتىرىياللار. شىنجان خەلق نەشرىياتى. 2013. 1030 س.
22. سۈينامە. «24 تاريخ» تىكى غەربىي يۇرت تارىخىغا ئائىت ماتىرىياللار. شىنجان خەلق نەشرىياتى. 2013. 1030 س.
23. يىنگى تاكنامە. «24 تاريخ» تىكى غەربىي يۇرت تارىخىغا ئائىت ماتىرىياللار. شىنجان خەلق نەشرىياتى. 2013. 798 س.
24. سما چيەن. تارىخىي خاتىرىلەر. «24 تاريخ» تىكى غەربىي يۇرت تارىخىغا ئائىت ماتىرىياللار. شىنجان خەلق نەشرىياتى. 1989. 681 س.

